



Reflection of stylistically labeled units in literary texts

Nargiza MUSULMANOVA¹

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2024
Received in revised form
10 May 2024
Accepted 25 May 2024
Available online
25 June 2024

Keywords:

stylistic labeling,
linguopoetics,
connotation,
constituent connotation,
adherent connotation,
denotative connotation,
connotative connotation.

ABSTRACT

The linguistic analysis of literary texts requires the study of specific lexical, morphemic, and grammatical features of the author. The distinction between marked and neutral units in the text requires an understanding of the relationship between the content and the purposes of expression. This article examines stylistically labeled units in linguopoetic analysis conducted in Uzbek and other languages.

2181-3701/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol2-iss1/S-pp266-271>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Стилистик маркировкаланган бирликларнинг бадий матнларда акс этиши

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

стилистик маркировка,
лингвопэтика,
коннотация,
ингерент коннотация,
адгерент коннотация,
денототив маъно,
коннотатив маъно.

Бадий матнларни лингвистик таҳлил қилишда муаллифнинг ўзига хос лексик, морфемик ва грамматик хусусиятларини ўрганиш талаб қилинади. Матндаги маркировкаланган ва нейтрал бирликларни ажратишдан зарурият мазмун ва ифода мақсадлари ўртасидаги боғлиқликни англашдир. Мазкур мақолада ўзбек ва бошқа тилларда амалга оширилаётган лингвопэтик таҳлилларда стилистик маркировкаланган бирликлар ҳақида фикр боради.

¹ Associate Professor, PhD in Philology, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi. E-mail: nargizajon75@mail.ru

Отражение стилистически маркированных единиц в художественных текстах

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

стилистическая маркировка, лингвопоэтика, коннотация, составляющая коннотация, адгерентная коннотация, денотативная коннотация, коннотативная коннотация.

При лингвистическом анализе художественных текстов требуется изучение конкретных лексических, морфемных и грамматических особенностей автора. От разграничения маркированных и нейтральных единиц в тексте требуется понимание связи между содержанием и целями выражения. В данной статье рассматриваются стилистически маркированные единицы в лингвопоэтическом анализе, проводимом на узбекском и других языках.

Рус тилшуносларининг лингвопоэтик таҳлиллар тадқиқига оид ишларини ўрганар эканмиз, бу бўйича катта илмий мактабга асос солинганлигига гувоҳ бўламиз. Кўплаб олимларнинг лингвопоэтик тадқиқотларида грамматик воситалар ва шу билан биргаликда бирликларнинг стилистик маркировкалари, экспрессивлик ҳосил қилувчи воситалар, матнларда бадий эстетик вазифа бажарувчи воситалар, троп ва синтактик фигуралар, грамматик канвалар ва бошқалар ҳақида кўплаб маълумотларни олишимиз мумкин.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бугунги кунда бу борада анча ишлар қилинган. Лекин аҳамиятли томони айнан грамматик воситаларнинг лингвопоэтик тадқиқи амалга оширилмаган. Шунинг учун биз шу ишни амалга оширишга қарор қилдик ва тадқиқотимизни турли бадий матнларда учрайдиган грамматик воситаларни ўрганишдан бошладик.

Маълумки, ҳар бир ижодкорнинг ўз ёзиш услуби ва тили бўлади, яъни поэтлик индивидуалликка эга. Ижодкор бошқалардан ажралиб туриш ёки ўзига қулайлик яратиш мақсадида фонетик, лексик, морфологик, ҳаттоки, синтактик услубларини ҳам яратиши мумкинлигини биз кўплаб бадий асарлар орқали англаб етганмиз. Шу ўринда гап таркибида ишлатиладиган грамматик воситалар ҳам маънонинг муайянлашишида муҳим ўрин тутди. Айрим шакл ясовчи қўшимчаларнинг плеоназмлик ҳолатини ҳам кузатишимиз мумкин (*бемехрсизлик, келингизлар, синглицси, баобрўли ва ҳ.к.*). Лингвистик, айнан грамматик нуқтаи назардан қаралганда бу ҳолатлар хато ҳисобланиши мумкин. Аммо, халқ нутқида бу қолиплар қабул қилинганлигини эътиборга олсак, улар оддий ҳолатдек туюлади.

Ҳаттоки муаллифларнинг тил меъёрларидан четлашадиган пунктуацион услублари ҳам мавжудлиги маълум. Хусусан, кўплаб назмий асарларда бу ҳолатни яққол кўришимиз мумкин. Тиниш белгиларининг ўзига хос қўлланилиши ижодкорнинг имиджини ҳам белгилаши мумкин. Психологиянинг маълумот беришича, тиниш белгиларининг ўзига хос қўлланилиши инсон характер-хусусиятини ҳам очиб бериши мумкин экан.

Бадий матнлар таҳлил қилинганда поэтлик диалектизмларга ҳам аҳамият беришни ўринли ҳисоблаймиз. Маълумки, ўзбек тили шеваларга жуда бой тил бўлиб, шоир ва ёзувчиларимиз шеваларга тез-тез мурожаат қилишади ва бу билан

ўз асарларини юқори савиядаги, бесцеллер даражасидаги асарлар қаторига чиқаришга ҳам мушарраф бўлишади. Шу ўринда шевага оид сўзларда грамматик воситаларнинг бир қанча вариантларини ҳам кўришимиз мумкин. Чунки ҳар бир шевага хос бўлган нутқда грамматик воситаларнинг турлича қўлланилишига гувоҳ бўламиз. Тарихий ва замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам воситаларнинг хосланганлик хусусиятларини кўриш мумкин. Ўзбек адабиётига роман жанрини олиб кирган буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини XX асрда ўзбек адабиётини “портлатган” бесцеллер асар сифатида тан оламиз. Бугунги кунга келиб (яъни XXI асрда) ҳам асарнинг бир неча тилларга таржима қилиниши ва шу асар устида бир қанча илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши асарнинг ҳар томонлама, хусусан, лингвистик жиҳатдан ўрганилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Асар номидаёқ *-ган* қўшимчасининг *-кан* шаклида ишлатилганлиги ёш авлодни тил тарихидаги грамматик воситаларнинг қўлланилишини ўрганишга чорлайди. Умуман олганда, бадий матнларни лингвистик таҳлил қилинаётганда ҳеч бир деталь, ҳеч бир элемент назаримиздан четда қолиши керак эмас.

Лингвистик таҳлил матнда стилистик маркировкаланган бирликларни ўрганиш билан узвий боғлиқдир. Матндаги маркировкаланган ва нейтрал бирликларни ажратишдан зарурият мазмун ва ифода мақсадлари ўртасидаги боғлиқликни англашдир. Авваламбор, матндаги стилистик маркировкаланган бирликларни ажратиш олиш ва шундан сўнг уларнинг таҳлилини қилиш зарур. Нейтрал бирликлардан фарқли равишда маркировкаланган бирликлар маълум стилистик коннотацияга эгадир. Коннотация – сўзнинг асосий маъносига қўшимча маъно берувчи обертон ёки маъно бўёқдорлиги сифатида таърифланади.

Коннотациянинг бадий матнларда қўлланилишида ингерент ва адгерент турларига аҳамият қаратиш зарур. Чунки улар ҳам матнда қўлланган грамматик воситаларнинг қўлланиш усуллари ва турларини бизга намоён қилиб бера олиши мумкин. Ингерент ва адгерент коннотациялар муаллиф қўллайдиган сўз ва ибораларнинг маркировкаланган ёки вазият юзасидан пайдо бўлган бирликларида ўз аксини топади.

Ингерент коннотация унинг доимий стилистик характеристикасига айланган тил бирлигига ёпишган бўлади ҳамда улар алоҳида сўзлар билан чегараланади. Адгерент коннотация эса, аксинча, ижод жараёнида яратилади ва улар сўз бирикмалари ёки янаям кенг бўлган нутқий ҳолатларда ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан ингерент коннотация *лисонга* таалуқли бўлган ҳодиса сифатида тан олинса, адгерент коннотация эса *нутқий* ҳодиса сифатида тан олинади. Демак, матнларда муаллиф тил меъёрларига кўра ёки ушбу меъёрларга риоя қилмаган ҳолда ўз муаллифлик услубини қўллаган ҳолда адгерент коннотациядан фаол фойдаланиши мумкин. Биз юқорида булар ҳақида муфассал тўхталдик.

Ҳўш, буларнинг матнлардаги грамматик воситаларга нима алоқаси бор? Маълумки, грамматика тилнинг барча меъёрларига бўйсундирилган ва қолиплаган бўлади. Аммо ушбу грамматик қонун-қоидалар ичида ҳам лексемаларнинг денотатив ва коннотатив маънолари ва уларни намоён этувчи унсурларга катта аҳамият берилади. Хусусан, грамматик воситаларнинг қўлланилиши ихтиёрий ёки мажбурийлиги, яъни қолиплаган ёки маркировкаланган бўлиши маълум.

Асар муаллифи грамматик воситалардан фойдаланишда унинг грамматик хусусиятларига унчалик аҳамият бермайди. Унинг учун асарнинг мазмуний жиҳати мукамал чиқиши зарур. Лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинганда эса, грамматик воситаларнинг тўғри ва ўринли қўлланилиши унинг ҳар томонлама мукамал эканлигини очиб бера олади.

Бадий асарни лисоний таҳлил қилишда сўз туркумларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Чунки улар орқали муаллиф асар сюжетини тўлиқ ёритиб беради. Биз ҳеч бир сўз туркумини эътибордан четда қолдира олмаймиз, яъни қайси биринидир жуда муҳим ва қайси биринидир нисбатан камроқ ишлатилади дея олмаймиз. Чунки бу асар муаллифининг услуби ва сўз қўллашдаги маҳоратига ниҳоятда боғлиқ. Асарларнинг лисоний таҳлилида сўзлар ишлатилишининг статистик таҳлили ҳам муҳим роль ўйнайди ва айнан шунда сўзларнинг туркумларига кўра қўлланилиши ойдинлашади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг грамматикаси ўзининг тадрижий тараққиёти давомида тилдаги бор грамматик воситаларнинг пайдо бўлиши, тараққий этиши ва кескин камайиб кетиши ҳолатлари ҳам мукамал ўрганилди. Ушбу воситаларнинг этимологияси уларнинг айримлари узоқ ўтмишдан бугунги кунгача ўзгармасдан ишлатилиши ҳақида маълумот берса, айримлари ўзгарган ҳолда нутқимизга ўзлашиб бораётганлигидан далолат беради. Маълумки, ер юзидаги тиллар морфологик таснифига кўра аморф тиллар, флектив, агглютинатив ва полисинтетик тиллар гуруҳига ажратилди. Хусусан, ўзбек тили агглютинатив тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, унга кўра сўз ўзаги ёки негизига қўшимчалар қўшилиши натижасида янги сўзлар ҳосил бўлиши эътироф этилган. Луғавий ва грамматик шакл ясовчи қўшимчалар сўз ва матнларнинг эмоционал-экспрессивлигини ошириши ёки камайтириши мумкин. Сўзларга қўшилган айрим грамматик воситалар сўзларнинг луғавий маъносига ҳам таъсир қилади ва бу ҳолат, нафақат сўз, балки бутун бир гапнинг грамматик ва синтактик табиатига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Бадий матнларда тасвирийлик ва эмоционалликни ифодаловчи шакллардан фойдаланишда грамматик воситаларнинг ўрни ниҳоятда катта. Хусусан, луғавий ва синтактик шакл ясовчи қўшимчалар ушбу бирликларни нутққа олиб киради. Тил ва нутқ воситалари орқали эса сўзларнинг лексик ва грамматик маънолари очиб берилади ҳамда муаллиф ифодаламоқчи бўлган фикрлар англашилади.

Асар ўқувчисининг эстетик завқ олишида сифат сўз туркуми ва унинг грамматик воситаларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Чунки сифат сўз туркумининг бошқа сўз туркумларига нисбатан эмоционал-экспрессивликни оширишда имкониятлари кенгроқ.

Ўзбек тилида морфологик-грамматик воситаларнинг ниҳоятда турли туманлиги бадий асарнинг эстетик қийматини оширишга катта ёрдам беради.

И.В. Гюббенет назариясига кўра, ингерент коннотация тил нуқтаи назаридан шартли йўналтирилган ёки маркировкаланган бўлиши мумкин. Коннотатив бирликлар одатда маълум просодик воситалар билан ажратилган бўлади. Бадий матнларда маркировкаланган бирликлар ўз потенциали (имконияти)ни турли даражада намоён қилади. Масалан, ўзбек тилидаги келишик шакллари маркировкаланган ҳолатда адабий тил меъёрлари асосида, шу билан биргаликда,

муаллифнинг индивидуал ёндашиши ёки асарнинг назм ва наср талаблари асосида ҳам қўлланилишини бунга мисол қилишимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилида бугунги кунда бта келишик бўлиб, 5 та келишик ўз кўсаткичларига эга. Уларнинг айримлари, хусусан, тушум келишиги *-ни, -н, -ин, -ун, -ди, -ти ва баъзан воситасиз шаклда*, қаратқич келишиги *-нинг, -нин (поэтик), -им, -ни* тушум келишиги билан ҳам ифодаланиш ҳолатлари, *-тинг, -динг* каби шакллари бадий матннинг ҳам ўзига хос бетакрорлиги, ҳам замонавий ёки мумтоз усулда ёзилганлигини ифодалайди ва шу билан бирга унинг услуби (стили)га ҳам ишора қилади. Поэтик диалектизмда қўшимчаларнинг муаллиф диалектига хос қўлланилиши асарнинг экспрессивлигида тўлалигича намоён бўлади.

Бундан ташқари келишик қўшимчалари сўз ўзаги ёки негизининг қандай ундош билан тугашига кўра ҳам турлича қабул қилади. Масалан, жўналиш келишиги *-га* шакли *-қа, -ка* шаклида ҳам бўлиши мумкин. Поэтик экспрессивликни ошириш мақсадида чиқиш келишигининг *-дан* шакли *-тан, -дин* шаклларида ҳам қўлланилиши кўп кузатилади. Баъзи ўринларда бадий асарларда ўрин-пайт келишиги қўшимчаси *-да* чиқиш келишиги қўшимчаси *-га* билан ҳам алмашилиб қўлланилганлигини кўп учратиш мумкин.

Келишик категориясининг грамматик шакллари категориал, ёндош ва ҳамроҳ маънолари бизнинг номзодлик диссертациямизда тўлалигича тадқиқ этилган бўлиб, унинг синтактик, яъни тобе сўзни ҳоким сўзга боғлаш вазифаси ишда ўрганиб чиқилган.

Баъзи ҳолларда лингвопоэтик қиймат ўзгариб туради (варьировать). Масалан, коннотатив бирлик оддий ҳолатда ўз имкониятини (ёки қобилияти, потенциални) ҳам семиотик, ҳам метасемиотик даражада намоён қилиши мумкин. Маркировкаланган бирлик кучайтирувчи сифатида хизмат қилиши мумкин.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бадий матнни таҳлил қилишга уринишлар Аристотель томонидан илк бора амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Унинг адабиёт ҳақидаги рисоалари (трактатлари) бадий асар тилининг энг изчил ва пухта ўрганилган тадқиқотлари ҳисобланади. Бугунги кунгача унинг лингвопоэтикага оид қарашлари тадқиқотчиларнинг эътибор марказида туради. У ўзининг асарларида нафақат бадий адабиёт жанрларини таҳлил қилиб, тропларни аниқлаштиради ҳамда нотиқлик санъатининг назарий асосларини келтиради, балки, бадий ижоднинг моҳияти ва мақсадларини очиб беришга ҳам ҳаракат қилади.

Демак, тилшунослик ва адабиёт, яъни икки соҳани бирлаштириш ҳаракатлари, уларни бир-бирига боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш тенденцияси узоқ вақтлардан буён амалга оширилаётган жараён бўлиб, янги илмий соҳа – лингвопоэтиканинг пайдо бўлиши вақт масаласи билан боғлиқ бўлган, деган хулосага келишимиз мумкин.

Лингвопоэтика Прага тилшунослик мактаби анъаналарини давом эттириб ва ривожлантириб келмоқда. Шунга эътибор қаратиш керакки, фақатгина маркировкаланган бирликлардан фойдаланиш матннинг стилистик хусусиятларини очиб бера олмайди. Матнларда учрайдиган тил бирликлари деярли бир хил, яъни формал лексика, ингерент ва адгерент коннотатив лексика, метафора, ўхшатиш, қиёслаш ва ҳ.к. Бу бирликларнинг ўз ҳолича ва грамматик воситалар ёрдамида матн таҳлилида ўқувчига таъсир кўрсатишида қандай вазифа бажаришини англаш муҳимдир.

Кўплаб маркировкаланган бирликлар матнларда муаллиф эрониясидан келиб чиқиб, безаш вазифасини бажаради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мусулманова Н.Р. Грамматик шаклларнинг категориал, ёндош ва ҳамроҳ маънолари (замон ва майл категориялари мисолида). Фил. фан дисс. –Тошкент, 2007. Б. 180.

2. Мусулманова Н.Р. Лингвопоэтика – тил ва адабиёт муштараклиги. International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. <https://zenodo.org/records/7786551>

3. Полякова Е.В. Значение стилистики маркированных единиц в рассказе Г.Х.Манро “Tobermory”. Филологические науки. Вопросы теории и практики, № 9 (27) 2013, часть 1. https://www.gramota.net/articles/issn_1997-2911_2013_9-1_38.pdf.

4. Гюббенет И. В. Основы филологической интерпретации литературно-художественного текста. -М.: Изд-во МГУ, 1991. 205 с.

5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Советская Энциклопедия, 1966. с. 209.

6. Счастливецва Ангелина. Знаки препинания и характер человека. <https://melochi-jizni.ru/znaki-prepinaniya-i-harakter-cheloveka>